


XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹ 2019 йил сентябрь ойида **2 537,3** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **30,5 %** га ўсди. 2019 йил январь-сентябрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 213,4** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **31,2 %** га ўсди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларининг яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (**39,0 %** га), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (**37,6 %** га), таълим (**36,7 %** га), банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятларида (**36,5 %** га), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (**25,0 %** га) ва ахборот ва алоқа (**24,9 %** га) соҳаларида кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - **4384,7** минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 98,1%га юқори), ахборот ва алоқада - **3 994,0** минг сўм (80,4 % га), саноатда - **3 134,5** минг сўм (41,6 % га), ташиш ва сақлашда - **2 817,7** минг сўм (27,3 % га), қурилишда - **2 643,2** минг сўм (19,4 % га) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2019 йил январь-сентябрь)**



¹ Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

Республика бўйича ўртача реал ҳисобланган иш ҳақи 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида **1 939,4** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **15,0** % га ўсди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	Январь-сентябрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикаси	1 687,1	2 213,4	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	2 555,4	3 134,5	151,5	141,6
Қурилиш	2 145,2	2 643,2	127,1	119,4
Савдо	1 820,3	2 269,9	107,9	102,6
Ташиш ва сақлаш	2 358,3	2 817,7	139,8	127,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 218,0	1 693,2	72,2	76,5
Ахборот ва алоқа	3 198,7	3 994,0	189,6	180,4
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	3 211,4	4 384,7	190,3	198,1
Таълим	1 280,5	1 750,4	75,9	79,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 086,6	1 495,0	64,4	67,5
Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	1 593,4	1 991,1	94,4	90,0
Бошқа фаолият турлари	1 575,9	2 216,9	93,4	100,2

2019 йил январь-сентябрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **245,8 АҚШ долларини** ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **116,6 %** ни ташкил этди (1 АҚШ доллари 2018 йил январь-сентябрда 8004,41 сўмни, 2019 йил январь-сентябрда 9004,27 сўмни ташкил этган).




Таълим иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2019 йил январь-сентябрь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Тошкент шаҳри 129,9 %, Тошкент вилояти 103,2 %, Жиззах вилояти 101,9 % ҳамда Навоий вилояти 101,2 % энг юқори кўрсаткичларни ташкил этган.



Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг саккизта ҳудудда республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Сурхондарё вилояти 95,6 %, Хоразм вилояти 94,5 %, Фарғона вилояти 92,1 % ҳамда Қашқадарё вилояти 90,2 % ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда






Саноат иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2019 йил январь-сентябрь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда




Саноат иқтисодий фаолият тури бўйича ҳудудлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан Навоий вилояти 122,7 %, Тошкент шаҳри 115,4 %, Қорақалпоғистон Республикаси 112,6 %, ва Тошкент вилояти 105,5 % юқори кўрсаткичларни ташкил этган.

Шу билан бирга, мамлакатнинг ўнта ҳудудида ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика даражасидан паст эканлиги кузатилди.

Саноат иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан Сурхондарё вилояти 70,0 %, Наманган вилояти 63,3 % Жиззах вилояти 62,9 % ҳамда Сирдарё вилояти 62,8 % ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар
кўрсатиш соҳаси иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**(2019 йил январь-сентябрь; қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан
ташқари)**



Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда




Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Тошкент шаҳри 118,6 %, Бухоро вилояти 111,9 %, Қорақалпоғистон Республикаси 111,0 % ва Сирдарё вилояти 109,0 % юқори кўрсаткичларни ташкил этган.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **1 495,0** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **37,6 %** га ўсди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Навоий вилояти 95,7 %, Фарғона вилояти 94,5 %, Тошкент вилояти 93,4 % ҳамда Қашқадарё вилояти 80,9 % ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг кам миқдорларга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда





**Банк, сугурта, лизинг, кредит
ва воситачилик иқтисодий фаолияти
бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**

**(2019 йил январь-сентябрь; қишлоқ
хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари)**



**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда
Тошкент ш.- 5744,5**




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 131,0 % кузатилди.

Банк, сугурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ишловчиларға ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **4384,7** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос давриға нисбатан **36,5 %** га ўсди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан Тошкент вилояти 76,9 %, Сирдарё вилояти 76,5 %, Қашқадарё вилояти 75,0 % ҳамда Сурхондарё вилояти 74,6 % ташкил этиб, бошқа ҳудудларға нисбатан энг кам миқдорларға эға бўлмоқда.

**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**






Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи



(2019 йил январь-сентябрь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Тошкент шаҳри 121,2 % ва Бухоро вилояти 101,9 % юқори кўрсаткичларни ташкил этган.

Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 817,7** минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **19,5 %** га ўсди.

Шу билан бир қаторда, мамлакатнинг ўн битта ҳудудида ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи республика даражасидан паст бўлди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Сирдарё вилояти 53,1 %, Жиззах вилояти 51,6%, Самарқанд вилояти 48,9 % ҳамда Андижон вилояти 40,3 % ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг кам миқдорларга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда






Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръатлари

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, айрим фаолият турлари бўйича 2018 йилга нисбатан сезиларли ўсиш ҳолатлари кузатилди.


Жумладан, **таълим** соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи жорий йилнинг июль ойида 1693,2 минг сўмни, август ойида 1769,0 минг сўмни, сентябрь ойида эса 2142,1 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Таълим иқтисодий фаолият тури бўйича (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)




Саноат соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи жорий йилнинг июль ойида 3230,9 минг сўмни, август ойида 3729,3 минг сўмни, сентябрь ойида эса 3461,0 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

**Саноат иқтисодий фаолият тури бўйича
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)**




Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи кўрсаткичи жорий йилнинг июль ойида 1491,0 минг сўмни, август ойида 1579,3 минг сўмни, сентябрь ойида эса 1669,9 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди .

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
иқтисодий фаолият тури бўйича
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)**




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи кўрсаткичи жорий йилнинг июль ойида 4929,6 минг сўмни, август ойида 5582,1 минг сўмни, сентябрь ойида эса 4560,7 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди .

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик
иқтисодий фаолият тури бўйича**
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Ташиш ва сақлаш соҳаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи жорий йилнинг июль ойида 3022,2 минг сўмни, август ойида 3311,9 минг сўмни, сентябрь ойида эса 3258,5 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилади.


Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият тури бўйича
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрайдиган бўлсак, энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида – **3 194,0 минг сўмни** (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 144,3 %), Навоий вилоятида - **2 841,3 минг сўмни** (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 128,4 %) ва Тошкент вилоятида - **2 387,7 минг сўмни** (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 107,9 %) ташкил этган.

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Фарғона (1816,4 минг сўм), Наманган (1 813,7 минг сўм), Самарқанд (1 802,5 минг сўм) ва Сурхондарё (1 796,1 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан мос равишда 17,9 %, 18,1 %, 18,6 % ва 18,9 % га кам бўлган.

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2019 йил январь-сентябрь, республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға
нисбатан, % да)**



**Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	<i>Январь-сентябрь</i>		<i>Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %</i>	
	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	1 687,1	2 213,4	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1 612,2	2 088,1	95,6	94,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1 543,4	2 007,0	91,5	90,7
Бухоро	1 579,2	2 014,1	93,6	91,0
Жиззах	1 424,5	1 854,6	84,4	83,8
Қашқадарё	1 504,7	1 858,8	89,2	84,0
Навоий	2 232,2	2 841,3	132,3	128,4
Наманган	1 312,0	1 813,7	77,8	81,9
Самарқанд	1 317,9	1 802,5	78,1	81,4
Сурхондарё	1 351,1	1 796,1	80,1	81,1
Сирдарё	1 430,3	1 902,1	84,8	85,9
Тошкент	1 888,1	2 387,7	111,9	107,9
Фарғона	1 378,8	1 816,4	81,7	82,1
Хоразм	1 378,7	1 880,0	81,7	84,9
Тошкент ш.	2 394,0	3 194,0	141,9	144,3

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номинал ҳисобланган иш ҳақи – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

Реал иш ҳақи – базис давр нархларидан келиб чиқиб, жорий даврдаги иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ифодалайди.

Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони – ойнанинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охириги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 – моддаларида келтирилганлар ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқхонанинг ўзидан янги туғилган чақалоқни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.